

ЕР ҚОНУНЧИЛИГИ БҮЙИЧА ТУШУНТИРИШЛАР БЕРИБ ҮТИЛДИ.

...

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БҮЙИЧА ДАНФАРА ТУМАН СУДИ ТОМОНИДАН ЕР ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ҲАМДА ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАНЛИГИ БҮЙИЧА ФУҚАРОЛАРГА ТУШУНТИРИШЛАР БЕРИБ ҮТИЛДИ.

Ер қонунчилигини бузганлик учун **маъмурний ҳамда жиноий жавобгарликлар** белгиланган.

Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрилмаганлиги, шу жумладан ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида **ваколатли органлар хабардор этилмаганлиги**, —фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **йигирма баравари**, мансабдор шахсларга эса — **эллик баравари миқдорида жарима** солишга сабаб бўлади.

Маъмурний жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 601-моддаси.

...

Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича, шу жумладан ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органларни хабардор этиш бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмаслик, шундай қилмиш учун маъмурний жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки **уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади**.

Жиноят кодексининг 1971-моддаси.

Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш, худди шундай ҳаракатлар учун маъмурний жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача **озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади**.

Суғориладиган ер участкаларини уларда **қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш**, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача **озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади**.

Жиноят кодексининг 2291-моддаси.

1 / 1